

## КУРСАНТЛАР ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФИЙ ВА КРАТОЛОГИК ЖИҲАТЛАР ТАЛҚИНИ

Каримова М.Х.

Жамоат хавфсизлиги университети психологи

### АННОТАЦИЯ

Мақолада курсантларнинг таълим жараёнидаги ижтимоий фалсафий талқини ва интеллекти, умуминсоний қадриялари, замонавий маданияти шу билан бирга, фан ва технологиянинг харбийларимизда тарихимиз билан мужассасмалиги кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** Гвардия, ҳарбий, давлат, жамият, кратология, ҳокимият, саркарда, курсант.

### АННОТАЦИЯ

В статье показано социально-философское осмысление и интеллект курсантов в образовательном процессе, общечеловеческих ценностях, современной культуре, и в то же время интеграция науки и техники в нашей армии с нашей историей.

**Ключевые слова:** Гвардия, военные, государство, общество, кратология, власть, военачальник, курсант.

### ABSTRACT

The article shows the socio-philosophical interpretation and intellect of the cadets in the educational process, universal human values, modern culture, and at the same time, the integration of science and technology in our military with our history.

**Key words:** Guard, military, state, society, cratology, authority, warlord, cadet.

### КИРИШ

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг равнақи, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий барқарорлиги унинг фуқароларининг ақлий ва аҳлоқий салоҳиятини юксак даражада ривожланганлигига боғлик. Зоро, жамиятимизнинг маънавий янгиланишида, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлайдиган демократик ҳукуқий давлат қуриш кадрлар тайёрлашнинг миллий масаласи устувор мезон сифатида муҳим рол ўйнайди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев инсон унинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатлари рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизmlарини яратиш эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг

андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир-деб жуда тўғри айтган эди.

Чунки халқнинг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан-техника ва технологиянинг янги ютуқлари асосида мукаммал тайёргарликдан ўтган кадрларни тайёрлашнинг янги тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг мухим шартларидан бири бўлиб қолди.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Миллий гвардия ҳақидаги талқинлар, генезисига кўра, ранг-баранг атамалар ва тушунчалар билан боғлиқ бўлса-да, уларни давлат бошқаруви, давлатчилик назарияси ва тарихи, кратологик таълимотлардан айрича қараш мумкин эмас. Армия, қўшин ва гвардия фақат давлат тизимида мавжуд, давлат институтидан ташқаридаги ҳарбий бўлинма, қисм ғайриқонуний ҳарбий ўюшмага айланади. Шунинг учун ҳам миллий гвардиянинг бош субъекти ва ташаббускори давлатdir. Тўғри, гвардия қўшини аввало давлат раҳбарини, унинг оиласини ва давлат аҳамиятига эга объектларни ҳимоя қилишга қаратилади. Гоҳо улар ҳарбий юришларда, операцияларда қатнашади. Лекин бу унинг давлат аҳамиятига молик тизим, унинг бош субъекти давлат эканини инкор қилмайди. Ҳатто баъзи давлатлар миллий гвардияга эга эмас ёки илгари бўлган ҳарбий тизимни бекор қилганида ҳам давлат раҳбарларига шахсий қўриқчиларга эга. Мхатма Ганди шахсий қўриқчиларидан фойдаланишни тўхтатган заҳоти душманлари томонидан отиб ўлдирилган. Шахсий қўриқчисиз қолган АҚШ Президенти Жон Кеннеди қисмати ҳам шундай фожиали тугаган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Демак, шахсий қўриқчилик давлат бошқарув тизимида алоҳида институтут сифатида шаклланган. Айтиш мумкинки, гвардия, Римда легионлар, Турцияда яничарлар, Японияда сумурайлар, Марказий Осиёда ғуломлар, мамлуклар сифатида давлат билан бирга мавжуд институтлар эди. Шунинг учун гвардия ва давлат генези умумийдир.

Хуқуқшунос олимлар А.Саидов ва У. Тожихоновнинг қайд этишича пайдо бўлган илк шаҳар-давлатларда “социал табақаланиш кучли бўлган, мулкий тенгиззилик, меҳнат тақсимоти мавжуд эди” .[5, 75 б]

Давлат бошқаруви функцияларига қуидагилар кирган:

“жамоа дехқончилигини ва ер эгалигини бошқариш;

жамоанинг диний маросимларини бажариш;

давлатлараро маҳсулотлар айирбошлаш (вақти келиб товар айирбошлашга ўтиш);

ҳарбий ҳужумлардан ҳимоя қилиш, бошқа шаҳар давлатни босиб олиш учун ҳарбий юришларни ташкил қилиш;

ўлпон ва солиқлар ундириш; жамоа захираларини (асосан озиқ овқатни) табиий офат юз берганида, ҳарбий босқин бўлганда тақсимлаш учун тўплаш; жанжалларни (тотишувларни) ҳал қилиш учун, дунёвий ва диний қоидаларни жорий қилиш учун, ҳунармандчилик, савдо сотикни ривожлантириш учун тегишли институтларни тузиш” [5, 76 б]

Дифференциация ва ижтимоий иқтисодий ҳаётни ташкил этиш, ҳарбий муаммоларни ҳал қилиш давлат устига юклатилган функциялар эди, жамоа раҳбари, коҳинлар, мулк эгалари улардан ўз ҳимоясида фойдаланганлар. Жанжаллар, мулкий низолар ва тортишувлар кишилик жамиятининг давлат институти шаклланганидан бери атрибути бўлиб келади, уларни ҳал этиш маҳсус механизмларни ва институтларни тақозо этган. Қўшин, армия ва ҳуқуқ, суд тизими ана шу эҳтиёжларнинг маҳсулидир. Ҳуқуқшунос олимлар таъкидлаганидек: “Давлат асосида тузилган ҳар қандай жамият самарали бошқаришга муҳтож бўлиб, унинг кейинги ривожланиши шундай бошқаришни излаш билан боғлиқдир. Давлат функцияларини бажариш учун одамларнинг алоҳида қатлами--давлат аппаратига эга бўлган. Бу муайян ҳокимиятга эга бўлган, яъни зарурият туғилганда мажбурлаш, зўравонлик ёрдамида аҳолининг бошқа табақаларини ўз эркига бўйсундириш, у ёки бу манфаатларни таъминловчи кишилар гурӯҳи эди. Бунинг учун илк давлатларда. Ибтидоий жамиятнинг социал тизимидан фарқли ўлароқ, ўзига хос давлат институтлари--судлар, турмалар, полиция, армия пайдо бўлган. Улар мажбурлашга мослаштирилган органлар эди” [1, 79-80 б]

“Кратология” грекча kratos сўзидан олинган бўлиб ҳокимият, куч, бошқариш ҳақидаги қарашлар, таълимотлар деган маъноларни англатади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳокимиятнинг қуидагича функциялари ва белгилари мавжуд:

- мажбурлаш (бевосита ёки билвосита);
- жалб этиш (сотиб олиш, ваъда бериш, рағбатлантириш);
- тўсиқлар яратиш (курашга ҳожат қолдирмаслик);
- талаблар уйғотиш (ҳокимиятга мурожаат этишга ундовчи сунъий эҳтиёжларни яратиш);
- ҳокимиятга қарамлигини ошириш (ҳокимият субъектига қарамликни кучайтириш);
- товламачилик (бўйсунмасликка қарши чоралар, хийлалар қўллаш);
- шиппитиш (омма онгига ҳокимиятга зарур қарашларни сингдириш);

--бевосита ёки билвосита ахборотлар ёрдамида назорат (масалан, огоҳлантириш, тавсиялар орқали) [2, 8-22 б]

Мазкур хислатларни ҳар қандай бошқаришда кўриш мумкин. Бошқариш моҳиятан кишиларни ишлатиш, ўз иродаси ва эркига бўйинсундириш санъатидир. Айникса давлат бошқаруви бу санъатдан фойдаланишнинг бой, бетакрор тажрибаларига эга. Шахсий қўриқчилар, соқчилар садоқат билан хизмат қилишга қасам ичса-да, гоҳо улар бошқа даъватларга эргашиб, шахсий эҳтиёжларини қондиришга берилиб кетиши мумкин [3, 21-28б]

Илмий адабиётларда баъзан Шарққа деспотик бошқариш, Ғарбга демократик бошқариш хос, деган фикрлар учраб туради. Гегелнинг Шарқ бошқаришини, ҳаёт тарзини деспотизмда айблагани, чамаси тадқиқотчилар хаёлига ўрнашиб қолган [4, 140 б]

Гегель соҳибқиран Амир Темурнинг давлат бошқарувини “машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтирдим” [5, 14 б] деган демократик бошқаришидан бехабар бўлган.

Давлатни бошқариш ҳеч қачон ва ҳеч қаерда қуруқ панд-насиҳат билан амалга оширилмаган. У ҳукмдордан, давлат раҳбаридан имконидаги бор усуслардан тўла фойдаланишни тақозо этган, бундай ваколатга фақат давлат бошлиғи эга. Шу имконияти билан у бошқа шахслардан, бошқарув ишлари билан банд мутахассислардан фарқ қиласди. Шахсий қўриқчиларни, соқчиларни танлаш, уларни ишлатиш, керакли лавозимларга қўйиш мудом унинг ихтиёри ва ваколатидадир. Бу борада Шарқ ва Ғарб бир биридан фарқ қилмайди. Аммо гвардияни тузиш, сонини белгилаш, ҳарбий ишларга ва тартибни саклашга жалб этиш усусларида улар фарқланадилар. Шарқ кратологисида, тажрибасида баъзи давлат бошлиқлари, подшоҳлар, хонлар 30 минг, 100 минг шахсий қўриқчиларга эга бўлгани келтирилади, бундай улкан ҳарбий шахсий тизим Ғарб кратеологисида, тажрибасида учрамайди. Ваҳоланки, ҳарбий қўшин, унинг барча тизимлари ўз саркардасининг ҳимоячиси, қўриқчиси бўлиши даркор. Саркардага етказилган зарар, шикаст ўз навбатида қўшинга, армияга берилган зарба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳарбий тарихда ўз ҳолига ташлаб қўйилган, зарар етказилган саркарда мағлуб этилган қўшин сифатида қабул қилинади. Саркардани ҳимоя қилиш, зарур бўлса, унинг учун жон бериш ҳар бир аскарнинг бурчи ҳисобланган. Жанггоҳ, армия саркардасиз қолиши мумкин эмас. Бироқ давлат бошлиғи фақат саркарда бўлгани, жангларда қатнашгани учунгина шахсий қўриқчига эга бўлмайди.

Ҳокимият, таҳт мудом кишиларни, ҳатто бад ният шахсларни ҳам, ўзига жалб этиб келган. Н.Макиавелли, таҳт атрофида мудом бад ахлоқ, шумният

кишилар айланиб юради, деганида [6, 87-88. б] ҳақ эди. Бундан ташқари, давлатни кучсизлантиришдан манфаатдор ташқи ва ички гурухлар, Годвин, Прудон, Штирнер, Бакунин, Кропоткин, Тукер каби анархистлар ҳар бир жамиятда топилади. Бу кучлар аввало давлат бошлигини маҳв этишни кўзлайдилар ва бу ниятлари, кратологик (аслида антикратик) қарашлари билан жамиятда бошбошдоқлиқ, хаосни юзага келтирадилар. Давлат бошлиғи ҳётига тажоввуз жамиятдаги осойишталикка, тартибларга ва қонуний ҳукуматга қарши ҳужумдир. Шунинг учун давлат раҳбарининг самарали фаолият юритишини таъминлаш сиёсий-ҳуқуқий тизимнинг, аввало ички ҳарбий кучларнинг вазифаси бўлиб келган. Бу вазифани керакли тарзда бажариш маҳсус бўлимларга, тизимларга топширилган. Шахсий қўриқчилар ана шундай бўлимлар, тизимларга киради. Шахсий қўриқчиларни давлат бошқаруви тизимида қараш мақсадга мувофиқдир. Улар давлат раҳбари амалга оширадиган сиёсий бошқарув ишларининг таркибий қисми, улар алоҳида тайёрланган, шакллантирилган ва алоҳида бўлимлар сифатида эъзозланадиган бўлса-да, давлат бошқарувидан ажратилиб қаралиши мумкин эмас. Шахсий қўриқчилар давлат бошқарув ишларини амалга оширмайди, улар, ўз функциялари доирасида, давлат раҳбари хавфсизлигини таъминлаш, унинг кўрсатмаларига мувофиқ жамоат жойларида осойишталикни ўрнатишида иштирок этади. Шарқ кратологик таълимотлари ичида конфуцийлик муҳим ўрин тутади. Устоз Кун Фу асос соган сиёсий-фалсафий таълимот Осмон—Ер-Одам уйғунлигига асосланган. Бу уйғунлик маълум бир тартибларга, ритуал, урф-одатларга таянади. “Олийжаноб эр”, яъни давлат бошлиғи мазкур тартиблар ва урф-одатларга риоя этганида халқни бошқариши, кишилар ундан рози бўлиши мумкин. “Конфуцийлик сиёсий-фалсафий таълимотида барқарор сиёсий ҳуқуқий хусусиятга эга константлар мавжуд:

осмон ҳукми тянь мин доктринаси;

монархга ғайритабиий яратувчанлик хос деган дэ тасаввури;

ўзига хос Осмон ости сиёсий макон мавжуд, деган Тянься концепцияси. “Инсонсеварлик” тамойилига мувофиқ ишлаб чиқилган (жэнь), “бурч адолат” (и), “содиклик” (чжун), “хуш хулқ атвор” (ли) талабларига ҳар бир оқил ҳукмдор бўйсуниши, “олијжаноб эрлар” ( цзюньцзи) риоя этиши зарур” [7, 3-4. б].

Конфуций фикрига қўра, олийжаноб эр Осмон кўрсатмалари ва талабларига мувофиқ давлатни бошқаради. “Агар халқ қонунлар ва жазо билан бошқарилса, у жазодан қочишига интилади ва хижолат тортмайди. Агар халқ

эзгу амаллар билан бошқарилса, тартиб ритуаллар билан ўрнатилса, у хижолат тортади ва тўғирланади” [8, 58. б].

Осмон талаби--инсонсеварлик, ритуалга таяниб адолатли кишиларга лавозимлар бериш, бурчни адо этиш, халқ, кишилар ҳақида қайфуриш кабилардадир. “Хукмдор ритуалга таяниб амалдорлардан фойдаланади, амалдорлар эса содиқликка таяниб ҳукмдорга хизмат қиласи” “Давлатни бошқаришнинг бош тамойили--ҳукмдорга содиқлик ва кишилар ҳақида қайфуриш, асло бошқа нарса эмас “, “Агар ҳукмдор яқинларига зарур даражада муносабатда бўлса, инсонсеварлик равнаи этади; агар ҳукмдор дўстларини унутмаса, халқда бад хулқлар бўлмайди”, “Хизматда бўлмай давлатни бошқариш ҳақида ўйлаш мумкин эмас”, “Ёшлар уйда отасига ва катта акаларига, чеккада эса князга, давлат амалдорларига хизмат қилиши зарур”, “Давлат ритуалга таяниб бошқарилади, агар юқоридагилар ритуалга амал қиласа халқни бошқариш осон бўлади”, ”, Бошқариш--тўғри амаллар қилиш, агар тўғри яшасангиз ким нотўғри яшашга интилиши мумкин?” [8, 65, 70, 88, 90, 109, 95, 113,129 б].

Конфуций давлатни бошқаришда тўғри принципга таянишга ва амалдорни ҳукмдорга садоқат билан хизмат қилишга чакиради: “Агар бор қобилияtingни намоён қила олсанг, амалдор бўл. Агар бундай қила олмасанг, ундан воз кеч. Агар хўжайнингиз хавф хатарга дуч келсаю сиз ёрдам беролмасангиз, агар у йиқилсаю сиз кўтаролмасангиз, бундай ёрдамчилардан қандай наф?” [8, 122, 137 б].

Конфуций “Хукмдор ҳукмдор бўлсин, амалдор--амалдор, ота ота бўлсин, ўғил—ўғил [8, 112.б.],) деган принципни илгари сурганида, ҳар бир киши ўз қобилияти ва ўрнига кўра яшаши, хизмат қилиши зарурлигини уқтиради. Бошқариш, сарой ишларига халқ ичидаги қобилиятли, садоқатли, тўғри амалли кишиларни жалб этиш, адолатсиз амалдорлардан воз кечиш, фақат яқин, қариндош уруғларга эмас, балки билимли кишиларга таяниш донишманд тарғиб этгансиёсий фалсафий гоялардир.

Курсантлар таълим жараёнида ижтимоий фалсафий замонавий ижтимоий ва гуманитар илмий билимлар ҳақиқий ҳаётдан келиб чиқсан янги тоифадаги илмий маърузаларда фаол иштирок этиш билан тавсифланади. Атрофдаги нарсаларнинг сифати жумладан таълим сифати ҳам, уларнинг имиж эквивалентлари билан, масалан, ишлаб чиқарувчиларнинг обрўсига, муваффақиятли реклама орқали ва бошқалар каби технологик хусусиятларига кўра белгиланмайди [9, 43-50 б].

## **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда, дикқатни жалб қилиш жуда муҳимдир курсантларнинг мафкуравий, ҳарбий психологик даражасига ва интеллектуал тайёргарлик даражасига боғлиқ. Бундан ташқари ҳарбий хизматчиларнинг касбий малакасини яхшилаш жуда муҳимдир. Ҳарбий таълим муассасалари кескин яхшилаш керак, уларни замонавий билим билан таъминлаш орқали тарбиявий ишлар асбоблар ва ускуналар, замонавий ўқув қўлланма, услубий қўлланмалар ва таълим технологиялари ҳозирги талаблар асосида шакллантирилади.

## **REFERENCES**

1. Жўраева С.Н. Замонавий педагог имижини шакллантиришда психологик омиллар таъсири // Замонавий таълим. 2020. № 1. Б. 49-55.
2. Жўраева С.Н. Педагог имижи масъулияти // Педагогика. 2021. №4. Б.62-68
3. Жўраева С.Н. Ўқитувчи имиджи масъулияти билан ўзаро алоқадорлик уйғунлиги // «Психология». 2021. №2. Б. 65-69
4. Борох Л.Н. Конфуцианство и европейская мысль на рубеже XIX-XX веков.- --Москва: Изд фирма “Восточная литература” РАН, 2001. С. 3-4.
5. <http://innosci.org/index.php/jarsp/article/view/262>.
6. Жўраева С.Н. Замонавий педагог имижини тавсифловчи шахслик хусусиятларнинг ўзига хос жиҳатлари 43-50.